**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ЄОНУНИ**
**12.12.2002 й.**
**N 439-II**

Іужжатнинг рус тилидаги
матнига єаранг

# АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎЈРИСИДА


1-модда. Ушбу Єонуннинг асосий вазифалари
2-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун іужжатлари
3-модда. Асосий тушунчалар
4-модда. Ахборот эркинлиги
5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари
6-модда. Ахборотнинг очиєлиги ва ошкоралиги
7-модда. Ахборотдан іамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг іаєєонийлиги
8-модда. Ахборот эркинлиги кафолатлари
9-модда. Ахборот олиш тартиби
10-модда. Ахборот беришни рад этиш
11-модда. Ахборотни муіофаза этиш
12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соіасидагн давлат сиёсати
13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги
14-модда. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги
15-модда. Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги
16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун іужжатларнинг бузганлик учун жавобгарлик


## 1-модда. Ушбу Єонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Єонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, іар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарєатиш, фойдаланиш ва саєлаш хуєуєлари рўёбга чиєарилишини, шунингдек ахборотнинг муіофаза єилинишини іамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

## 2-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун іужжатлари

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун іужжатлари ушбу Єонун ва бошєа єонун іужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халєаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун хужжатларида назарда тутилганидан бошєача єоидалар белгиланган бўлса, халєаро шартнома єоидалари єўлланилади.

## 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Єонунда єуйидаги асосий тушунчалар єўлланилади:

ахборот - манбалари ва таєдим этилиш шаклидан єатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воєеалар, іодисалар ва жараёнлар тўјрисидаги маълумотлар;

ахборот мулкдори - ўз маблајига ёки бошєа єонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик єилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборотни муіофаза этиш - ахборот борасидаги хавфсизликка тахдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оєибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;

ахборот ресурслари - алоіида іужжатлар, іужжатларнинг алоіида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошєа ахборот тизимларидаги) іужжатлар ва іужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соіаси - субъектларнинг ахборотни яраташ, єайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан бојлиє фаолияти соіаси;

ахборот борасидаги хавфсизлик - ахборот соіасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг іимояланганлик іолати;

ахборот эгаси - єонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган хуєуєлар доирасида ахборотга эгалик єилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

махфий ахборот - фойдаланилиши єонун іужжатларига мувофиє чеклаб єўйиладиган іужжатлаштирилган ахборот;

оммавий ахборот - чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган іужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль іамда бошєа хабарлар ва материаллар;

іужжатлаштирилган ахборот - идентификация єилиш имконини берувчи реквизитлари кўйилган іолда моддий жисмда єайд этилган ахборот.

## 4-модда. Ахборот эркинлиги

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиє іар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарєатиш, ундан фойдаланиш ва уни саєлаш іуєуєига эга.

Ахборот олиш фаєат єонунга мувофиє іамда инсон іуєує ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоєий єадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоіиятини муіофаза єилиш, хавфсизлигини таъминлаш маєсадида чекланиши мумкин.

## 5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари

Очиєлик ва ошкоралик, іамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва іаєєонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир.

## 6-модда. Ахборотнинг очиєлиги ва ошкоралиги

Ахборот очиє ва ошкора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мустасно.

Махфий ахборотга єуйидагилар кирмайди:

фуєароларнинг іуєує ва эркинликлари, уларни рўёбга чиєариш тартиби тўјрисидаги, шунингдек давлат іокимияти ва бошєарув органлари, фуєароларнинг ўзини ўзи бошєариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошєа нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуєуєий маєомини белгиловчи єонун іужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавєулодда вазиятлар тўјрисидаги маълумотлар іамда аіолининг, аіоли пунктларининг, ишлаб чиєариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошєа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси іудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиє фондларидаги мавжуд маълумотлар.

Давлат іокимияти ва бошєарув органлари, фуєароларнинг ўзини ўзи бошєариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошєа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуєли воєеалар, фактлар, іодисалар ва жараёнлар тўјрисида єонун іужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

## 7-модда. Ахборотдан іамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг іаєєонийлиги

Ахборот ундан іамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва іаєєоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талєин этиш ва сохталаштириш таєиєланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарєатаётган ахборотнинг іаєєонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда єонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят єилиниши мумкин.

## 8-модда. Ахборот эркинлиги кафолатлари

Давлат іар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарєатиш, ундан фойдаланиш ва уни саєлаш іуєуєини іимоя єилади. Жинси, ирєи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиєиши, эътиєоди, шахсий ва ижтимоий мавєеига єараб ахборот олиш іуєуєи чекланишига йўл єўйилмайди.

Давлат іокимияти ва бошєарув органлари, фуєароларнинг ўзини ўзи бошєариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошєа нодавлат нотижорат ташкилотлари іамда мансабдор шахслар єонун іужжатларида белгиланган тартибда іар кимга ўзининг іуєуєлари, эркинликлари ва єонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиєиш имкониятини таъминлаб беришга, маєбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуєароларнинг іуєуєлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир іамда жамият манфаатларига тааллуєли бошєа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йўл єўйилмайди.

## 9-модда. Ахборот олиш тартиби

Іар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орєали ёзма ёхуд оjзаки сўров билам мурожаат этиш іуєуєига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юридик шахсларнинг эса реквизитлари) іамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровга имкон єадар єисєа муддатда, агар єонун іужжатларида бошєача єоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб єайтарилиши лозим.

Оjзаки сўровга, имкониятга єараб, даріол жавоб берилиши керак.

Сўралаётган ахборотаи ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи єисмларида назарда тутилган муддатда таєдим этишнинг иложи бўлмаган такдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни таєдим этиш кечиктирилганлиги тўjрисида хабар юборилади.

Сўралаётган ахборотни таєдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Таєдим этиш кечиктирилганлиги тўjрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир іафта муддат ичида юборилади.

Таєдим этиш кечиктирилганлиги тўjрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

сўралаётган ахборотни ваєтида таєдим эта олмаслик сабаблари;

сўралаётган ахборот таєдим этиладиган сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу іаєда маълум єилиши шарт.

Ахборот берганлик учун белгиланган тартибда іає олиниши мумкин.

## 10-модда. Ахборот беришни рад этиш

Агар сўралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг іуєуєлари ва єонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўјрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўјрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак.

Махфий ахборот мулкдори, эгаси ахборотаи сўраётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўјрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши єонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига іаєєоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни єонунда белгиланган тартибда єопланиши ёки маънавий зиён компенсация єилиниши хуєуєига эга.

## 11-модда. Ахборотни муіофаза этиш

Іар єандай ахборот, агар у билан єонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошєа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муіофаза этилмоји керак.

Ахборотни муіофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соіасидаги хавфсизлигига тахдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарєалиши, ўјирланиши, йўєотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талєин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш маєсадида амалга оширилади.

## 12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соіасидагн давлат сиёсати

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соіасидаги давлат сиёсати ахборот соіасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга єаратилган бўлади іамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигани таъминлаш соіасида давлат іокимияти ва бошєарув органларининг асосий вазифалари іамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуєароларнинг ўзини ўзи бошєариш органлари, жамоат

бирлашмалари ва бошєа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуєароларнинг ўрни ва аіамиятини белгилайди.

### 13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий іаётига тааллуєли сирларини саєлаш, ахборот воситасида єонунга хилоф равишда руіий таъсир кўрсатилишидан іимоя єилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуєли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий іаётига тааллуєли ахборотни, худди шунингдек шахсий іаётига тааллуєли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошєа мулоєот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, саєлашга, єайта ишлашга, тарєатишга ва ундан фойдаланишга йўл єўйилмайди, єонун іужжатларида белгиланган іоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўјрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг іуєуєлари, эркинликлари ва єонуний манфаатлари рўёбга чиєарилишига тўсєинлик єилиш маєсадида фойдаланиш таєиєланади.

Фуєаролар тўјрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик єилувчи іамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун єонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавнй ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини єўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга іаєли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фаєат суд єарори билан ошкор этилиши мумкин.

### 14-модда. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига єуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуєаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

єонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руіий таъсир кўрсатишга, уни чалјитишга йўл єўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоіиятини асраш іамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиєаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар іамда урф-одатлардан узоєлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беєарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга єаратилган ахборот экспансиясига єарши іаракат тизимини барпо этиш.

### 15-модда. Давлатнинг ахборот

**борасидаги хавфсизлиги**

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги єуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соіасидаги хавфсизликка таідидларга єарши іаракатлар юзасидан иєтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошєа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини саєлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муіофаза єилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаіон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интефациялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, іудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга,

іокимиятни босиб олишга ёки єонуний равишда сайлаб єўйилган ёхуд тайинланган іокимият вакилларини іокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига єарши бошєача тажовуз єилишга очиєдан-очиє даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарєатилишидан іимоя єилиш;

урушни ва зўравонликни, шафєатсизликни тарјиб єилишни, ижтимоий, миллий, ирєий ва диний адоват уйјотишга єаратилган, терроризм ва диний экстремизм јояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарєатилишига єарши іаракатлар єилиш.

**16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун іужжатларнинг бузганлик учун жавобгарлик**

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўјрисидаги єонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти И. Каримов**

"Ўзбекистон Республикаси єонун іужжатлари тўплами" 2003 й., 3-сон, 18-модда.